751 йилда Фаргона ихшиди (хукмдори) ва Шош подшохи бир-бирлари билан ёвлашиб колишди. Ихшид Чин подшохидан ёрдам сўради, у юз минглик кўшинни унга кўмакка юборди. Кўшин аввал Шошни ўраб олиб, кейин батамом эгаллади. Шош подшохи Чин хукмдорига таслим бўлди, Чин подшохи унга ва якинларига хеч кандай тазйик килмади. Бу вокеа хакидаги хабар аббосий хукмдор Абу Муслимга етиб борди ва Зиёд ибн Солихни уларга карши урушишга жўнатди. Икки тараф кўшинлари Тароз дарёси сохилларида тўкнашишди ва мусулмонлар уларни енгиб, эллик минг жангчини ўлдиришди ва йигирма мингини асир олишди, колганлари Чинга караб кочди. Бу жанг хижрий бир юз ўттиз учинчи йилнинг зулхижжа ойида (751 йил июни) бўлган.

(Ибн Асир, «Китаб ал-камил фит-тарих», Торнберг нашри, 5-жилд, 344-бет)